

“Назарий механика” фанидан II тур Республика Олимпиадаси

✘ “Назарий механика” фанидан II тур Республика Олимпиадаси 14 май 2018 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўз ишини бошлади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 2018 йилнинг 14 май куни «Назарий механика» фанидан 2-тур Республика Олимпиадасининг очилиши бўлиб ўтди.

Бу Олимпиадада Республикаимизнинг 20 та Олий ўқув юртларидан ўз институтларида 1-ўринни эгаллаган талантли ёшлар қатнашмоқда. Олимпиада икки кун давом этади ва шу қатнашаётган ёшлар ичидан энг юқори билимга эгалари фахрий ўринларни эгаллашади.

Олимпиадани институтнинг илмий ишлар бўйича проректори т.ф.д., проф. Т.З.Султанов очиб, сўзни “Назарий ва қурилиш механикаси” кафедраси мудирини проф. М.Мирсаидовга берди.

М.Мирсаидов ўз сўзида Президентимизнинг ёшларга бераётган эътибори, уларни ҳар томонлама билимли бўлишига, чет тилларини билишига катта аҳамият бераётганлигини ва келажакда бу ёшларимиз илмий даргоҳларда ва Олий ўқув юртларида ишлаши учун барча шароитларни яратаётганлиги ҳақида гапирди.

Олимпиадани объектив ва шаффофлик билан ўтказиш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз деб, олимпиада қатнашчиларига омадлар тилади.

ТИҚХММИ ГТИ факультети декани т.ф.д., проф. Б.Хасанов олимпиада иштирокчиларига барча шароитларни яратишини айтиб, қатнашчиларга омадлар тилади.

Олимпиада очилишида ТДТУ проф. К.А.Каримов, Наманган инженер қурилиши институти проф. Ш.Юлдошевлар ҳам сўзга чиқишиб олимпиада қатнашчиларига яратилган шароитлар учун ўз миннатдорчиликларини билдириб, қатнашчиларга омадлар тилади.

Олимпиада ташкилий қўмитаси раиси Н ва ҚМ кафедраси проф. Т.Мавлонов олимпиада қатнашчиларини биринчи кун режаси ва олимпиадани ўтказишни ташкил қилиш учун ҳолисона комиссияларни сайлаб олиш тўғрисида гапириб шу комиссиялар тузилиб, олимпиада ўз ишини бошлади.

